

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Якубов Қ. Амир Темур сиймоси манғит хонлари нигоҳида: тақлид ва легитимация ... 3
Идиев А. “Баҳр ал-асрор” асаридаги этник маълумотларга оид мулоҳазалар 16

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Алимова Д. Марказий Осиёнинг XVI – XIX аср биринчи ярмидаги тарихи янги методологик ёндашувлар контекстида..... 27
Абдурасулов Х. Из истории внедрения в Туркестанском крае российских мер и клейменых весов 41
Хуснутдинов Ф. Обзор публикаций по биографии Саййида Махмуда Тарази – представителя туркестанской эмиграции *‘улама’*: достоинства и лакуны 58

ДИПЛОМАТИКА ТАРИХИДАН

Остонов Ж. Афғонистон амири Омонуллахоннинг ташқи сиёсати 82

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Каримова С. Ибн Сино диагностикаси 95
Азизов С. “Девон луғот ат-турк” ва “Қутадғу билиг” асарларида фалакиётга оид маълумотлар 107

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Трансформация гендерного вопроса в Южной Корее в XX веке 117
Акрамова Ш. Реформа науки и образования в КНР 130

ПЕРСОНАЛИ

Академик Дилорам Юсупова таваллудининг 80 йиллигига қутлов

Асқаров А. Дилором Юсупова – таниқли шарқшунос олима..... 140

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 3 декабрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

МАНБАШУНОСЛИК

Қ. Якубов

Амир Темур сиймоси манғит хонлари нигоҳида: тақлид ва легитимация

Амир Темур (1336–1405) нафақат моҳир саркарда, устомон сиёсатчи ва буюк салтанат асосчиси, балки илм-фан ва диний-маданий, ижтимоий муассасалар ҳомийси сифатида ҳам жаҳон тарихида улкан из қолдирди. Унинг ҳукмронлиги даврида Мавороуннаҳрда йирик мадраса, масжид ва хонақоҳлар барпо этилди. Хусусан, Амир Темурнинг бевосита ташаббуси билан баъзи сўфийлик намояндалари ва уламолар мақбаралари қад ростлади ва уларнинг айримлари қайта тикланди. Мазкур муассасаларнинг аксарияти анъанавий равишда вақф мулклари ҳисобидан асрлар давомида таъминланди.

Соҳибқирон Амир Темур тарихини тадқиқ этишда тарихга оид қўлёзма асарлар билан бир қаторда тарихий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, турли мазмун ва жанрларда битилган ушбу ёзма ҳужжатлар ўша давр сиёсий ҳаёти, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мулкчилик масалалари ва маданий ҳолат, шунингдек, ташқи алоқалар ҳақида қимматли маълумотларни беради. Бироқ, тарихий воқеа ва жараёнлар биздан қанчалик узоқлашгани сари, улар излари акс этган тарихий ҳужжатларнинг сони ҳам табиий равишда камайиб боради.

Ҳозирга қадар бу давр тарихини ёритувчи ҳужжатлар саноқли ҳисобланиб, улар орасида оригинал ҳужжатлар эса жуда озчиликни ташкил этади. Масалан, ўз даврида битилган ва ҳозирги кунгача сақланган асл тарихий ҳужжатлар сирасига 1398 йилда Мироншоҳ (1366–1408) томонидан берилган суюрғол ёрлиғи [16] ҳамда 1402

йилда Амир Темур томонидан француз қироли Карл VI (1380–1422) номига ёзилган мактубни [15: 343] келтириш мумкин. Шунингдек, тарихий ҳужжатлар орасида вақфномалар ҳам алоҳида қимматга эга бўлиб, бугунги кунгача Ўзбекистон ҳудудидан Амир Темур даврига оид, асл нусха ҳисобланган ягона вақфнома аниқланган [5].

Ушбу тадқиқотда биз Ўзбекистон Миллий архиви жамғармасида сақланаётган, Амир Темур вақфномаси сифатида рўйхатга олинган тарихий ҳужжатлар таҳлилига эътибор қаратамиз. Хусусан, мазкур ҳужжатларнинг айрим кодикологик жиҳатлари ва Амир Темур хайрия фаолиятига тўхталиб ўтиш билан бирга, асосий урғуни кейинги давр хонлари, жумладан, Бухоро манғитлар сулоласи вакилларининг буюк саркарда шахсига бўлган муносабати, Амир Темур сиймосининг кейинги авлодлар хотирасидаги ифодасини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Вақфномалар. Мазкур тадқиқотнинг бирламчи манбавий асосини Ўзбекистон Миллий архиви фондида сақланаётган, Амир Темур вақфномаси сифатида қайд этилган тарихий ҳужжатлар ташкил этади. Ушбу архив таркибида «Вақф ёрлиқлари коллекцияси» деб номланган И–323-фонди мавжуд бўлиб, унинг биринчи рўйхатида жами 1441 та тарихий ҳужжатлар қайд қилинган [7]. Улар ўзининг мазмун-моҳиятига кўра асосан вақф масалаларига бағишланган ҳужжатлар ҳисобланади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, рўйхатда келтирилган айрим йиғмажилдлар бир неча ҳужжатларни ўзида мужассам этган бўлиб, ушбу ҳужжатларнинг ҳар бири одатда асосий йиғмажилд рақамидан кейин ётиқ чизиқ ва тартиб рақами тарзида каталоглаштирилган.

Рўйхатдан Амир Темур томонидан вақф сифатида таъсис этилган 4 та вақф ҳужжати алоҳида-алоҳида тузилган вақфномалар ўрами таркибидан ўрин олган. Улар оригинал ҳужжат ҳисобланмай, балки кейинги асрлар давомида қайта тикланган ва янгилаб борилганлигига ишоралар мавжуд. И–323-фонднинг 1-рўйхатида тартиб бўйича биринчи Амир Темур вақфномаси 858/1 рақам остида қайд этилган. Иккинчи ҳужжат 1096, учинчи вақфнома эса 1180/11 ва ниҳоят сўнгги вақф ҳужжати 1203/11 рақамлари билан рўйхатга олинган. Гарчи тартиб бўйича иккинчи ҳужжат архив рўйхатида Амир Темур вақфномаси сифатида қайд этилган бўлса-да, бироқ унда

воқиф сифатида соҳибқирон исми тилга олинмаган [10]. Бундан ташқари, ушбу вақф ўрамида муҳрлар мавжуд бўлмай, муҳр ичида келган маълумот, яъни муҳрдор исми котиб томонидан ёзма ҳолда ифода этилган. Шунингдек, тадқиқот жараёнида 1180/11- ва 1203/11-рақамли вақфномаларнинг матни бир хил эканлиги аниқланди. Бироқ бу икки вақфноманинг фарқли жиҳати шундаки, 1180/11-рақамли ҳужжатнинг ҳошиясида ривоят келтирилган ҳамда вақфноманинг ўзи Амир Ҳайдар муҳрлари билан тасдиқланган. Ўз навбатида, 1203/11-рақамли вақфнома парвоначи муҳри билан расмийлаштирилган. Шу боис, қуйида Амир Темурнинг иккита вақфномасига алоҳида тадқиқот объекти сифатида эътибор қаратилади.

Архив рўйхатида 858-рақам билан қайд қилинган дастлабки вақфнома сўнгги бор Бухоро амири, Манғитлар сулоласи вакили Саййид Амир Абдулаҳадхон (1859–1910) даврида қайта кўчирилган. Илк вақфнома ўрамидаги жами ҳужжатлар сони 12 тани ташкил этади. Улардан 10 таси вақфномалар ва 2 та ҳужжат ўзининг мазмунига кўра ижара амалиётини акс эттиради [1: 64–65].

Ушбу вақф ўрамидаги илк ҳужжат матнининг *инвокация* қисми “Би-исмиҳи субҳонаҳу ва таъоло” билан бошланган. Шунингдек, ушбу қисмдан Аллоҳга ҳамду сано ҳамда пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг асҳобларига салавотлар айтилган. Бундан ташқари, ҳужжат бошланғич протокол қисмида “адолат ва эҳсон маъдани” [8] сифати билан тавсифланган Амир Темур ва Бухоро хонлигининг Шайбонийлар хонадони аъзоси Абдуллахон II (1534–1598) томонидан Ҳазрат Хожа Ориф (Ревгарий)[1] мозори, яъни мақбарасига[2] вақф мулклари таъсис этилгани келтирилган.

Аҳамиятли жиҳати, мазкур илк ҳужжат ўзининг ички тузилиши ва мазмуни жиҳатидан Темурийлар ва кейинги даврларда яратилган одатий вақфномалардан фарқ қилади. Сабаби 858-рақамли вақфнома матнида аввал тузилган, Хожа Ориф Ревгарий хонақоҳига тегишли

[1] Хожа Ориф Ревгарий ибн Исмоил (1165–1262) – асли Бухородан тахминан 40 км узоқликда жойлашган Ревгар қишлоғидан бўлиб, Нақшбандия тариқатининг машҳур вакил(мурид)ларидан бири. Қаранг: [4].

[2] Вақфнома матнининг айрим ўринларида Хожа Ориф Ревгарий тарихий-меъморий мажмуаси хонақоҳ тарзида ҳам қайд этилади.

бўлган вақфномаларнинг икки маротаба қайта расмийлаштирилгани ҳамда бунга сабаб бўлган омиллар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Дастлаб, Амир Темур ва Абдуллахон II томонидан хонақоҳ фойдасига қилинган вақфлар акс этган қадимий ҳужжатлар Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар (1775–1826) даврида қайта кўчирилгани, лекин вақт ўтиши билан иккинчи марта яроқсиз ҳолга келган вақфнома хонақоҳ мутаваллиси Мулло Маҳмуд хўжа ва бир неча соф кўнгил шахслар иштирокида Саййид Амир Абдулаҳадхон саройига келиб янги вақфномани расмийлаштириш ҳақидаги илтимосномалари асосида тиклангани қайд этилган. Мазкур арзнома Саййид Амир Абдулаҳадхон томонидан инобатга олинган ва шу тариқа Хожа Ориф Ревгарий хонақоҳи вақф ўрами таркибидаги илк вақф ҳужжати ҳижрий 1313 йилда (милодий 1895–1896 йиллар оралиғида) қадимги вақфнома матнидан аввалидан охиригача, ҳеч қандай қўшимча ва нуқсонларсиз, аслича (*waqfiyya-i madhkūrarā min awwalihā ilā ākhirihā az ghayri ziyād wa nuqṣān bi-ʻaynihā*)[1] кўчирилган [8].

Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Вақф ҳужжатини қайта тиклашга назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ким ваколатли эканлиги масаласидир. Шариатга мувофиқ вақф мулкларини қайта тиклаш, мутавалли ва бошқа вақф маъмурияти ходимларини агар уларнинг лавозимлари илк вақф ҳужжатида белгиланмаган бўлса тайинлаш, вақф шартларини қайта ўрнатиш кабилар ҳукмдор ва қози ваколат доирасига кирган. Жумладан, айрим вақфномалар матнида ҳукмдор ва қозининг шундай ҳуқуққа эгалиги алоҳида таъкидланган бўлиб, шаръий ҳукм «Жомеъ ал-Фатовий» асаридан олинганига бевосита ишора мажуд [12]. Ўз навбатида, Хожа Ориф Ревгарий сўфийликнинг машҳур вакили сифатида жамият сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим таъсирга эга бўлгани ҳамда унинг мақбара мажмуаси катта вақф мулкига эгалик қилиб, асрлар давомида турли сулола ҳукмдорлари, жамиятнинг нуфузли ва юқори табақа вакиллари томонидан доимий равишда таъминланиб турилганлиги эътиборидан унинг вақфномаси бевосита Манғит ҳукмдорлари томонидан қайта тикланганлигининг асосий сабабларидан бири сифатида кўрсатиш

[1] Бу ва кейинги ўринларда матнда асли араб алифбосида келган сўз ва жумлалар “Encyclopaedia Islamica”да фойдаланилган транслитерация тизими асосида ифода этилди.

мумкин. Бундан ташқари, мазкур ҳукмдорларнинг йирик тариқат вакили маънавий ва моддий меросининг қайта тиклаш жараёнидаги иштирокини уларнинг диний тақводорлик мезонининг кўрсаткичи ва шу орқали жамият аъзолари орасида улар нуфузининг ошишини таъминлаган омил сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Илк вақфномада Хожа Ориф Ревгарий хонақоҳи ва мажмуа таркиби, унинг Бухоронинг Шофиркон[1] тумани, Ревгар мавзесида жойлашгани ҳамда тўрт томондан чегараси берилган. Бироқ матнда архив рўйхатида қайд этилганидек, воқиф исми аниқ келтирилмаган ва ҳужжатда у ҳақида фақатгина *wāqif-i mushār-i ilayh,* яъни “ишора қилинган воқиф” сифатидаги жумла учрайди. Ўз навбатида, ушбу иборани Амир Темур ёки Абдуллахон II га нисбат сифатида ҳам баҳолаб бўлмайди. Чунки дастлабки ўринларда уларга нисбатан иккиликни ифодаловчи араб ва форс тилларидаги лафзлар қўлланилган. Шунингдек, агар *wāqif-i mushār-i ilayh*ни бу икки тарихий шахсга тегишли деб ҳисоблаш мумкин бўлганда эди мазкур сўз бирикмасидаги сўнгги сўзга форсча ёки арабча суффикс қўшилиб, *ilayhhā* ёки *ilayhumā* тарзида ифода этилиши лозим бўлар эди. Ҳужжатга кўра вақф қилинган жами мулкнинг миқдори 505 танобни ташкил этган бўлиб, бизга номаълум бўлган воқиф томонидан даромадлар тақсимоти аниқ белгилаб берилган.

Вақф ўрамида иккинчи навбатда, 858/1-рақам остида қайд қилинган вақфнома Амир Темурни яхшилик ва эҳсон соҳиби (*ṣāḥib al-khayr wa al-iḥsān*) эканлигини таъкидлаш ва васфлаш билан бошланган [9]. Амир Темур томонидан вақфга айлантирилган ер мулклари анча салмоқли бўлиб, улар Бухорои Шарифнинг Шофиркон туманига қарашли Чорводара қишлоғида жойлашган. Матнда дастлаб жами вақф ери тахминан 1030 танобни ташкил этиши қайд қилинган бўлса-да, бироқ кейинги ўринда мазкур ер майдонлари 5 қисмга тақсимланиб, улар чегаралари ва миқдорлари алоҳида-алоҳида зикр этилган. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра ушбу ер мулкларининг жами миқдори 1022 танобни ташкил этган. Бундан биринчи умумий ер ҳажми ёки хато ёзилган ёки яна бир 8 танобдан иборат ер майдони матнга кирмай қолган бўлиши мумкин деб, хулосага келиш мумкин.

[11] Вақфномада Шофирком тарзида қайд этилган.

Кейинги ўринда вақф даромадлари тақсимоти ҳақида воқифнинг шартлари келтирилган. Ушбу вақф еридан келган даромаднинг ушри, яъни 1/10 қисми Хожа Ориф Ревгарий хонақоҳи мутаваллисининг тавлия ҳақи сифатида эътироф этилиб, қолган даромадни аввало мазкур мажмуанинг тўрт томондан деворлари таъмири учун сарфланиши белгиланган. Ушбу харажатдан сўнг қолган даромад 9 қисмга тақсимланиб, белгиланган шахслар ва диний тадбирларни ўтказиш учун сарфланиши лозимлиги алоҳида шарт сифатида ўрнатилган. Жумладан, даромаднинг муайян қисми Хожа Ориф Ревгарийнинг авлодлари орасида Қуръони каримнинг: “Аллоҳ таоло фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур” [13] оятига мос равишда тақсимланиши алоҳида таъкидланиб, қолган даромад эса ўрнатилган тартибда мажмуа таркибидаги ошхона биносининг таъмири, Қурбон ҳайити ва Зулҳижжа ойида аҳолининг барча қатламлари учун хонақоҳ ошхонасида ош тайёрлаб, зиёфат уюштириш ҳамда Рамазонда ифторлик зиёфати ва ҳайит байрами билан боғлиқ харажатлар учун сарфлаш лозимилиги шарт қилинган. Шунингдек, хонақоҳда таровиҳ намозини адо этадиган имомга ҳам ҳақ белгиланган. Бундан ташқари, мақсурахонада душанба ва жума кунлари бир порадан Қуръонни тиловат қилиш учун масъул шахс тайинланиб, унга таровиҳ вақтида имом олдида биргаликда намозни ўқиш вазифаси ҳам юклатилган ҳамда ушбу хизматлари эвазига вақф даромадларидан муайян улуш белгиланган [9]. Вақфнома 3 та муҳр билан тасдиқланган бўлиб, улар битта шахсга тегишли эканлиги аниқланди. Муҳрда “қози ал-қуззот қози Мулло Мир Бадриддин бин қози садр Мулло Мир Садриддин” ёзуви акс этган.

1180/11-рақам билан рўйхатга олинган вақф ўрами таркибида ҳам жами 12 та вақфнома мавжуд бўлиб, уларнинг сўнгтиси Амир Темур томонидан вақфга айлантирилган мулклар ҳақидадир. Мазкур вақфнома матни “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм” билан бошланган бўлиб, ундан кейин айни илк сатрда “*huwa al-wāqif ʻalā al-ḍamāyir*”[1]

[1]Ушбу жумла бошқа вақфномалар матнида ҳам тез-тез учрайди ҳамда мазкур лафз "У (Аллоҳ) яширин нарсалардан воқиф (хабардор)дир" деган маънони англатади. Бу ўринда “воқиф” сўзининг омономик хусусияти акс этган бўлиб, мазкур сўз Аллоҳга нисбат берилган ва “хабардор” маъносида қўлланилган.

жумласи келтирилган. Ҳужжатнинг бошланғич протокол қисмида юқоридаги вақфнома каби қисқача Аллоҳга ҳамд ҳамда пайғамбаримиз, уларнинг оилалари ва саҳобаларга саловот ва дурудлар акс этган. Кейинги ўринда воқиф сифатида турли эпитетлар билан Амир Темур исми зикр этилган. Эътиборли жиҳати ушбу вақфномада сана қайд этилмаган. Шунингдек, вақф қилинаётган ер мулки анча салмоқли бўлса-да, бироқ унинг аниқ ёки тахминий миқдори ҳам берилмаган. Вақф қилинган мулк Самарқанднинг Ёркат тумани, Боғимозор мавзеида жойлашган. Ушбу мавзедаги икки тоғ ўртасида жойлашган, катта қисми суғориладиган ерлар ва муайян бир қисми лалми (*miyān-i dū kūh ba'ḍī-i az ān lalmī wa akthar-i az ān ābī*) ер майдонларидан иборат мулк вақф сифатида таъсис этилгани таъкидланиб, унинг тўрт томондан чегараси аниқ кўрсатиб ўтилган. Амир Темур мазкур йирик мулкларни Жаноб Амирзода мир Саййид Неъматуллоҳ [6] учун таъсис этган. Архив рўйхатида вақф мулки йўналтирилган объект сифатида сўфийлик тариқати мазкур вакилининг мақбараси қайд этилган бўлса-да, аммо вақфномада бу ҳақида бевосита ишора учрамайди. Ҳужжат матни ўзининг мазмунига кўра вақфнинг вақфи авлод турини акс эттиради. Сабаби вақф даромадларидан доимий фойдаланувчи сифатида Саййид Неъматуллоҳ авлоди вакиллари зикр этилган.

Вақфномада ўрнатилган шартга кўра Амир Темур мутавалли лавозимига 2 та шахсни тайинлаган. Улар Саййид Неъматуллоҳнинг энг солиҳ авлодидан бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланади. Вақфномада ушбу мулклардан келган даромад аввало мазкур вақф ерларини яхши сақлаш учун сарфланиши лозим бўлган. Кейин эса қолган даромаднинг ушри мазкур икки мутавалли ўртасида ўзаро тақсимланиши ҳамда сўнгги ўринда даромадлар Саййид Неъматуллоҳ авлодларига топширилиши кераклиги воқиф томонидан шарт сифатида ўрнатилган. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, вақф даромадини Саййид Неъматуллоҳ авлодлари орасида тақсимлаш жараёни юқоридаги вақфнома шарти каби фиқҳий кўрсатмага асосланиши лозимлиги алоҳида таъкидланган [11].

Амир Темур ўрнатган вақф мулкларидан фойдаланиш ҳақидаги шартлардан яна бири бу истибдол *(istibdāl)*, яъни вақф мулкини алмаштириш амалиёти тўғрисида бўлиб, юқорида қайд этилган вақф

мулки ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзга мулкка алмаштирилмаслиги махсус равишда вақфномада белгилаб қўйилган. Агар вақф мулки ёмон ҳолатга келиб қолса ёки унинг йўқолиш хавфи туғилса, шариатга кўра воқиф ёки мутавалли қозининг тасдиғи билангина вақф мулкини бошқасига алмаштириши мумкин ҳисобланади. Шунингдек, XII асрда Ўрта Осиёда фаолият юритган машҳур фиқҳшунос олим Қозихон (1196 йилда вафот этган) ва бошқа уламолар фикрича ҳатто вақф мулкини дирҳам ёки динор (каби пуллар)га алмаштирилиши, яъни сотилишига ҳам ижозат берилади [14: 56–57]. Бироқ, вақфнома шартида бу амалиётдан ҳар қандай ҳолатда ҳам фойдаланмаслик масаласи Амир Темур томонидан қатъий ўрнатилган. Вақфноманинг *санкция* қисми ҳам матндан ўрин олган бўлиб, ҳужжат Амир Ҳайдарнинг 4 та муҳри билан қайта ёзилиб тасдиқланган. Муҳр 1229 ҳижрий йилга оид бўлиб, унда “Саййид Амир Ҳайдар султон бин Амир Маъсум” ёзуви акс этган.

Амир Темур васфи ва легитимация. Ушбу вақфномаларнинг яна бир муҳим жиҳати уларда Амир Темур исми билан бирга келган турли васфларнинг қўлланилиши билан боғлиқ. Биринчи вақф ўраминнг илк ҳужжат матнида Амир Темур “баланд мартабали султон, соҳибқирон ҳазрат Амир Темур Кўрагон” *(sulṭān-i ʻālīshaʼn ṣāḥib-i qirān Amīr Tīmūr kurakān)* ва 858/1-рақамли иккинчи вақфномада “рубъ-и маскун [1] [ҳудуди] катта қисмининг султони, соҳибқирон” (*ṣāḥib-i qirān sulṭān-i akthar-i rubʻ-i maskūn*) каби эпитетлар билан зикр этилган [8; 9]. Иккинчи вақф ўрамида эса Темурийлар империясининг асосчисига нисбатан “жаноб ҳазрат олийҳиммат хон ва хоқонларнинг буюги, араб ва ажам ҳукмдори, соҳибқирон султон ...буюк амир Амир Темур Кўрагон” (*janāb ḥaḍrat khan-i mukarram wa khāqān-i aʻẓam malik al-ʻarab wa al-ʻajam khusraw-i ṣāḥib-i qirān...al-amīr al-kabīr Amīr Tīmūr kurakān*) васфи қўлланилган [11]. Шуниси эътиборлики, мазкур биринчи ва иккинчи вақф ўрамларида Амир Темур вақфномалари Амир Ҳайдар даврида қайта тикланганлиги алоҳида қайд этилади. Кейинчалик биринчи вақф

[1] *Рубъи маскун* – ўрта асрларда асосан араб ва бошқа тилларда ёзилган географияга оид асарларда тез-тез қўлланилган махсус атама бўлиб, у орқали Ер юзининг чорак қисмигина инсонлар яшаши учун яроқли эканлиги тушунилган, қолган қисмларини сув ташкил этган.

ўрами дастлабки вақфномалари Саййид Амир Абдулаҳадхон даврида иккинчи маротаба қайта кўчирилган. Иккинчи вақф ўрами Амир Ҳайдар муҳри билан тасдиқланган. Ушбу ҳолатлар Амир Темур вақфномаларини қайта тиклаш жараёни мазкур манғит амирларининг бевосита иштироки ва ташаббуси билан амалга ошганига ишора қилади. Айниқса, матнда келган васфлар Амир Темурнинг сиёсий фаолияти, минтақа тарихида тутган ўрни ва ролига берилган юксак эътироф ҳамда соҳибқирон шахси ҳақида улар хаёлий образининг инъикоси сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Амир Темур ва тарихда из қолдирган ҳукмдорларга нисбатан қўлланилган турли эпитетлар ўша даврда яратилган қўлёзма асарларда ҳам кўп учрайди. Бу масалага швейцариялик олима Анке фон Кюгелген ўзининг монографиясида алоҳида эътибор қаратиб, ушбу ҳолатни легитимация назарияси орқали талқин ва таҳлил этишга ҳаракат қилади. Дастлаб олима Чингизхондан (1155–1227) бошлаб то Амир Ҳайдар вафотигача бўлган даврда тахтни эгаллаган ҳукмдорларнинг ўз ҳокимиятининг қонунийлигини асослашга қаратилган хатти-ҳаракатларини легитимациянинг қуйидаги олтита шакли доирасида тадқиқ этади: 1) илоҳий 2) шажаравий 3) электорал (юқори табақа вакиллари ёки халқ) 4) тақлид 5) ғайритабиий куч ёрдамидаги 6) меъёрларни сақлаш орқали легитимация [3]. Тадқиқотчи ушбу легитимация шаклларининг у ёки бу туридан (айрим ҳолларда бир нечтасидан) муайян ҳукмдор фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолашда фойдаланади ҳамда унга мазкур жараёнда қўлёзма асарлар асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Ўз навбатида, икки вақфнома мисолида Амир Ҳайдарнинг Амир Темур вақфномаларини қайта тиклашдаги бевосита ташаббускорлиги юқорида қайд этилган шакллар орасидан тақлид легитимацияси орқали изоҳланиши мумкин. Мазкур легитимация турига кўра, у ёки бу ҳукмдор томонидан ўтмишда кечган машҳур тарихий воқеа ва донг таратган ҳукмдор образига тақлид қилиш тушунилади. Масалан, Амир Темур ва Шоҳруҳмирзо (1377–1447) ўзларигача бўлган номдор ҳукмдорлар фаолияига алоҳида эътибор қаратганлар ҳамда улар қозонган шуҳрат гўёки бу икки ҳукмдор томонидан ўзлаштирилган. Бу турдаги легитимация шакли шажаравий легитимация мавжуд бўлмаган шароитда ёки жуда кучсиз бўлган ҳолатда қўлланилган [3: 55]. Демак,

Амир Ҳайдарнинг Амир Темур сиймосига бўлган муносабатини, аввало, соҳибқироннинг эришган сиёсий нуфузига тақлид қилиш орқали легитимацияга эришиш услуби сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Иккинчидан, Амир Темурнинг сўфийлик тариқати намояндаларига бўлган ҳурмат ва иззат-икроми бир томондан унинг жамиятдаги художўйлик сифати ва хусусиятини белгиловчи мезонлардан бири бўлган деб, ҳисоблаш мумкин. Ўз навбатида, бу жиҳатларни қадрлаган ва тарихий асарларда уламо, ҳатто сўфийлик тариқати вакили сифатида эътироф этилган Амир Ҳайдар [3: 351–355] бу йўналишда ҳам Амир Темурнинг меросхўри бўлишга интилганини англаш мумкин. Амир Ҳайдар ҳокимиятининг қонунийлигини таъминлашда аллақачон шаклланган шажаравий легитимация билан бир қаторда имитация, яъни тақлид қилиш орқали легитимацияга эришиш услуби қўшимча манба вазифасини бажарган.

Умуман олганда, Амир Темур томонидан таъсис этилган вақф мулклари асрлар давомида сўфийлик тариқати вакилларининг хонақоҳ ва мақбаралари ҳамда улар авлодларини ҳам доимий моддий таъминловчи манба бўлиб хизмат қилиб келди. Бироқ, даврлар ўтиши билан мазкур хайрия фаолияти акс этган вақфномалар кейинги давр, хусусан, манғитлар ҳукмронлиги даврида қайта тикланди. Ўз навбатида, ушбу қайта тасдиқланган вақфномалар матнида соҳибқирон сиймосига нисбатан қўлланилган турли васфларни авлодлар хотирасининг инъикоси сифатида ҳам алоҳида қайд этиш ўринлидир. Шунингдек, мазкур жиҳат бошқа томондан Ўзбекистон тарихшунослигида айниқса сўнгги йилларда миллий давлатчиликни яратиш йўлида Амир Темур шахсияти миллат қаҳрамони сифатида сунъий яратилди деган, айрим ғарб олимлари томонидан билдирилган ғоянинг қанчалик асоссиз эканлигини ҳам намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Исматова Н. Бухоро зиёратгоҳларини ўрганишда вақф ҳужжатларининг аҳамияти (Хожа Ориф Ревгарий мажмуасига оид вақф ўрами) // O‘zbekiston tarixi. Тошкент, 2020. № 4. Б. 62–71.

2. Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. Тошкент, 2016. Кюгельген А. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). Алматы, 2004.
3. Хожа Ориф Ревгарий ибн Исмоил (1165–1262) // https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A5%D0%BE%D0%B4%D0%B6%D0%B0_%D0%90%D1%80%D0%B8%D1%84_%D0%A0%D0%B5%D0%B2%D0%B3%D0%B0%D1%80%D0%B8
4. Чехович О. Д. Вакуфный документ времени Тимура из коллекции Самаркандского музея // Эпиграфика Востока. Москва–Ленинград, 1951. Т. 4. С. 56–67.
5. Чориев А. Ҳазрати Башир манақиби. Тошкент, 2009.
6. Ўзбекистон миллий архиви (кейинги ўринларда ЎМИ), И–323-фонд, 1-рўйхат, 1-китоб.
7. ЎМИ, И–323-фонд, 1-рўйхат, 858- йиғмажилд.
8. ЎМИ, И–323-фонд, 1-рўйхат, 858/1-йиғмажилд.
9. ЎМИ, И–323-фонд, 1-рўйхат, 1096-йиғмажилд.
10. ЎМИ, И–323-фонд, 1-рўйхат, 1180/11-йиғмажилд.
11. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, 3-йиғмажилд, 4-ҳужжат.
12. Қуръони каримнинг “Нисо” сураси 11-ояти. Вақф ҳужжатида: *“li-dhdhakari mithlu khaṭṭi-l-ithnayayn”* тарзида, ушбу оят парчаси келтирилган.
13. Joseph S. Islamic Law on Peasant Usufruct in Ottoman Syria: 17th to Early 19th Century. Studies in Islamic Law and Society. Volume 35. Leiden–Boston, 2012. VII+188 p.
14. Knobler A. The Rise of Tīmūr and Western Diplomatic Response, 1390-1405 // Journal of the Royal Asiatic Society. 1995. Vol. 5, No. 3. P. 341–349.
15. Matsui D., Watabe R., and Ono H. A Turkic-Persian Decree of Timurid Mīrān Šāh of 800 AH/1398 CE // «Orient», volume 50, 2015. P. 53–75.

Қ. Якубов

Амир Темур сиймоси манғит хонлари нигоҳида: тақлид ва легитимация

Бугунги кунгача Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даври тарихи асосан ўз даври ва кейинги асрларда маҳаллий муаррихлар томонидан ёзилган қўлёзма асарлар орқали ўрганиб келинди. Бироқ бу даврда яратилган тарихий ҳужжатлар қўлёзма асарларда учрамайдиган маълумотларни акс эттириши билан ҳам муҳимдир. Мазкур мақолада Амир Темурнинг хайрия фаолияти Ўзбекистон Миллий архиви жамғармасида сақланаётган, бирламчи манбалар сирасига кирувчи вақфномалар орқали тадқиқ этилади. Хусусан, Амир Темур вақфномаси сифатида рўйхатга олинган иккита тарихий ҳужжатга алоҳида эътибор қаратилади. Ўз навбатида, йирик ер-мулклари Амир Темур томонидан сўфийлик тариқати намояндалари хонақоҳи ва уларнинг авлодлари фойдасига вақф сифатида таъсис этилган бўлиб, ушбу ҳужжатларда вақф мулкларидан фойдаланиш шартлари ва вақф маъмурияти ходимларининг фаолияти каби жиҳатлар ҳам акс этган. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу тарихий ҳужжатлар Бухоро амирлигининг Манғитлар сулоласи ҳукмдорлари томонидан қайта тузилган бўлиб, тадқиқот давомида уларни бу жараёнга ундаган омиллар легитимация назарияси орқали таҳлил этилади. Бундан ташқари, ушбу сулола ҳукмдорлари шуурида шаклланган Амир Темур образи ҳақида ҳам фикр юритилади.

Калит сўзлар: *Амир Темур, вақфнома, Манғитлар сулоласи, Бухоро амирлиги, вақф мулклари, эпитет, тақлид, легитимация.*

К. Якубов

Образ Амира Темура глазами мангитских ханов: подражание и легитимация

История периода правления Амира Темура и Темуридов до сих пор изучается в основном по рукописям, написанным локальными историками своего времени и последующих веков. Однако

исторические документы, созданные в этот период, важны еще и потому, что они отражают информацию, отсутствующую в рукописях. В статье исследуется благотворительная деятельность Амира Темура на основе вакуфных документов, которые хранятся по сей день в Национальном архиве Узбекистана и являющихся одним из видов первоисточников. В частности, особое внимание уделяется двум историческим документам, зарегистрированным как вакуфные грамоты Амира Темура. В свою очередь, огромные земельные участки были созданы Амиром Темуром как вакф для блага представителей суфийского ордена и их потомков. В этих документах также отражены такие аспекты, как условия использования вакуфной собственности и деятельность обслуживающего персонала вакуфной администрации. Следует отметить, что эти исторические документы были повторно заверены во время правления правителей династии Мангитов Бухарского эмирата, и в ходе исследования анализируются факторы, побудившие их к этому процессу через теорию легитимации. Кроме того, рассматривается образ Амира Тимура, сложившийся в восприятии правителей этой династии.

Ключевые слова: *Амир Темур, вакфнама, династия Мангитов, Бухарский эмират, вакуфная собственность, эпитет, подражание, легитимация.*

Q. Yakubov

The image of Amir Timur through the eyes of the Mangit khans: imitation and legitimation

The history of the period of the rule of Amir Timur and the Timurids has still being studied mainly from manuscripts written by local historians of their time and subsequent centuries. However, the historical documents composed during this period are also important because they reflect information that is silent in the manuscripts. The article examines the charitable activities of Amir Timur on the basis of *waqf* documents that are kept to this day in the National Archives of Uzbekistan and which are one of the types of primary sources. In particular, special attention is paid to two historical documents registered as Amir Temur's *waqfnāma*s. In

particular, the huge plots of land were converted into *waqf* by Amir Timur for the benefit of the representatives of the Sufi order and their descendants. These documents also reflect some aspects such as the terms of utilization of the *waqf* property and the activities of the attendants of *waqf* administration. It should be noted that these historical documents were re-confirmed during the rulers of the Mangit dynasty of the Emirate of Bukhara, and the study analyzes the factors that prompted them to this process through the theory of legitimation. In addition, the author attempts to consider the image of Amir Timur, which had been developed in the perception of the rulers of this dynasty.

Key words: *Amir Timur, waqfnāma, Mangit dynasty, the emirate of Bukhara, waqf property, epithet, imitation, legitimation.*

А. Идиев

“Баҳр ал-асрор” асаридаги этник маълумотларга оид мулоҳазалар

Моваройннаҳрнинг Аштархонлилар давридаги тарихи тадқиқотларда ёритилган бўлса-да, бироқ этник тарихга оид масалалар жуда кам ўрганилган ва бугунги кун тартибидаги муҳим муаммолар қаторида туради. Мазкур мавзуга оид илмий тадқиқотлар олиб бориш аввало, бирламчи манбаларга мурожаат қилишни тақозо этади ва бу ҳолат чоп этилган айрим илмий тадқиқотларда ҳам акс этган [3]. Мавзу бўйича этник маълумотлар учрайдиган XVII асрга оид ёзма манбаларни қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

а) тарихий-географик асарлар: Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал-асрор фи маноқиб ал-ахёр” (“Яхшилар таржимаи ҳоли ҳақида сирлар денгизи”), Искандарбек Муншийнинг “Тарихи оламорои Аббосий” (“Дунёни обод этувчи Аббос ҳикояси”), Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” в.б.;

б) адабий асарлар: Мутрибий Самарқандийнинг “Хотироти Мутрибий”, Муҳаммад Бади ибн Муҳаммад Шариф Самарқан-